

Аъзам Ўқтам

ҚИРҚИНЧИ
БАҲОР

Шеърлар

Тошкент
"Қатортол-Камолот"
1999

Шоир Аъзам Ўқтамнинг номи "Кузатиш", "Кузда кулган чечаклар", "Тараддуд", "Икки дунё саодати" номли китоблари орқали шеърият мухлисларига таниш. Истиқлол туфайли янада шижаатли ва дадил ижод қилишга уринаётган шоир китобхонлар синовидан тагин бир ўтмоқчи. "Қирқинчи баҳор"га унинг янги шеърлари жамланган.

ISBN 5-633-01076-0

\ 4702620206 1999
356(04)-99

Аъзам Ўқтам
"Қирқинчи баҳор", 1999

КЎКЛАМ СОФИНЧИ

АЗОН

Бобом ўтиб, қартайгач отам,
Ўғил берди худога шукр.
Дунё кўрди тағин бир одам,
Исми унинг бўлади Темур.
Ҳамдлар ўқиб, айтурман сано,
Ҳаққа банда, расулга уммат.
Билки, шайтон дўкони дунё,
Мардлик фарздир, тантилик – суннат.
Ҳар кифтингда фаришта турсин,
Қутул ҳасад асоратидан.
Сендан беҳишт бўйи уфурсин,
Закот бергил жасоратингдан.
Умринг берсин, ўсавер дуркун,
Инсу жиннинг тегмасин кўзи.
Кириб борсанг жаннатга бир кун
"Салом" десин Тангрининг Ўзи

МУЖДА

Бир-биридан тортинар ҳамма,
Қалбда қай ҳис қиласкан хурож;
Ёқар зимдан берилган ҳамла,
Дўстлик истаб очилган уруш.
Бўйнин қисар қимтиниб тандир,
Пасайганин ҳис этар девор,
Томни чертар тун бўйи ёмғир:
Совчи келди бу уйга илк бор.

КЎРГАНИМ

Кўравериб қотиб кетди кўз,
Шундоқ эди,
Шу бўлар мангу:
кор қиласди на буйруқ, на сўз,
сойга, фақат сойга оқар сув!

ЎЙИН

Дарада ҳайқирдим:
"Мен улуғ, улуғ!"
Қайтарилар:
"Ғулу".

"Фол оч, – дедим, –
келажакдан фол".
Эшитилар:
"Лоф".

Инградим:
"Оҳ, оҳ, оҳ,".
Гумбурлайди:
"Ҳо, ҳо, ҳо".

ГҮМАРИС БИЛАН СУҲБАТ

Баҳор ҳавосига ўхшар ҳаётим,

Гул деб тикон босдим,

Кул деганим чўғ.

Кимлардек бўлишга етмас саботим,

Кимлардек бўлишга ҳеч тоқатим йўқ

Кўзим тўяр қараб сенга, она қиз,

Тоату тақвойинг бўлай мафтуни.

Пайғамбар айтмаган қизинга бежиз:

"Сенга асқотмайман қиёмат куни".

То тирик эканман, тегмайди шамол,

Ким сеңга қасд этса, ишон: у ўлди,

Қарши чиқсин бутун дунё, bemalol,

Худони душманим демасанг бўлди.

Ҳаётдек мўъжиза, неъматдир ўлим,

Шарпасин туйгандек ҳис этдим ўзим.

Отамга қилганим қилмасин ўғлим,

Онамга қилганим қайтарма, қизим.

РАМАЗОН

Йилнинг бошга қўнган ҳумойи,
Мўъжизага, фусунга бойи.
Хуш келибсиз, марҳабо, дермиз,
Тасбеҳ ойи, таровеҳ ойи.
Ўрганамиз тиймоққа нафсни,
Итқитамиз орадан наҳсни.
Кечиргаймиз узрлар сўраб,
Бас қиласмиз тафриқа, баҳсни.
Қўлимдадир илоҳий китоб,
Унда шундоқ этилмиш хитоб:
"Ушбу ойда неки қилсангиз,
Оллоҳ Ўзи айлагай ҳисоб".
Ўлдирса ҳам, лаззат берар ўқ,
Талпинади кўкка – кўнгил тўқ.
Тангirim беҳад меҳрибон, аммо
Қадр туни ўзга ойда йўқ.
Фаришталар самодан тушар,
Биз беҳиштни кўрамиз тушлар.
"Алвидо, деб қолурмиз наҳот?!"
Ҳозирданоқ қалбим увшар.
Ўн бир ойға одил ҳоқоним,
Нозил ўлмиш сизда Қуръоним.
Инсон бўлиб яшайлик, бизни
Йўлга бошланг, йўлга, султоним.

БОБОЛАРИМ

Уларда ҳар не оқ, ҳар не нуроний,
"Қоралаган" демай қалам тек қолар.
Дуо бирла суюб турар дунёни,
Пайғамбар ёшини ОҚЛАГАН чоллар.

ЗИЁРАТ

Мен чириб кетишдан қўрқдим кўмилсам,
Дардим айтольмадим бирон инсонга.
Оҳ уриб, дод дедим ичим ёнган дам,
Овозим жон берди етмай осмонга.
Энди ҳар кеч кўкка термуламан жим,
Тиёлмай кўздан ёш жолаларимни.
Зиёрат қилганим-кўкка боққаним,
Юлдузлар – қабридир нолаларимнинг.

* * *

Эй ота юртимдан келган йўловчи,
йўлинг ниятингдек мудом ўлсин оқ.
Топилса менга бир салом йўлловчи,
бир хушхабар ила дарвозамни қоқ.
Ўн беш йилки, бари кетмиш ўзгариб,
Фарзанд – ташвиш,
Ота-она хавотир.
Биласан мен недан кулиб, бўзларим,
Сен алда уларни,
Менга рост гапир.

ХИЗМАТ

Элчига ўлим йўқ,
рост сўзлар фақат
эшитганлар титраб кетса ҳам:
Подшоҳ берган шундоқ ваколат.
Лекин бўйнингга ол,
билки, ўлим нақд,
агар фуқаронинг элчиси бўлсанг.

ТАБРИК

Тилингизда ўша хуш наво,
Қўлингизда ўзим билган соз.
Танимайроқ турибман аммо,
Янгирганга ўхшайсиз бир оз.

Иқболингиз тағин ҳам кулсин,
Бошингизда сўнмасин шуъла.
Аравалар муборак бўлсин,
қуллуқ бўлсин янги ашула.

ИХТИРО

Ақлим энди етяпти оз-моз:
астойдил қасд қилса бас одам,
айланади кундага қофоз,
болта бўлар бемалол қалам.

ТАЪНА

Мунча ёмон кўрдинг баҳор, иссиқни,
Не учун қушларим қилдинг бадарға;
Эгам билиб сочган ҳар кимга ризқни,
Осмон тор қолдими, сенга, эй қарға?
Қаққайиб туарсан, чиқмас овозинг,
Бўлса-да кўрмайсан, битта ҳам дон йўқ.
Узид қўйибди-ку охир парвозинг,
Бир пайт ўзинг роса чақирган совуқ.

ЛУҚМА

Қололмадим ўзимни ушлаб,
Тағин сизга қотмоқдаман сўз:
Силанмайди пешона муштлаб,
Чангал билан сийпаланмас юз!

ТАҲЛИЛ

"Йўқчилик"дан
озғиндир "йўқлик".
"Тўқчилик"дан
семиздир "тўқлик".

ТААЖЖУБ

Ётлашишар умр ўтган сайин,
Йилдан оғир кечар дақиқа.
Унисининг номи "хўжайин",
Бунисининг исми "рафиқа".

ТИЛИМ

Тилимдан бол томмас, аччиқ ҳам эмас,
ярайди қалбагин изҳор этишга.
Узунмас унчалик, қисиқ ҳам эмас,
етади бўйнимдан тортиб кетишга.

АЙЛАНА

Гирдобига тортар ўжар саволлар
Асли нега келдим
Кетмайман нечун
Қаёққа борардим кетганда
Не қилиб юрибман
Мен кимман ўзи
ўзи кимман Мен
юрибман Не қилиб
кетганда борардим Қаёққа
нечун Кетмайман
келдим нега Асли
ўжар саволлар тортар Гирдобига.

ТОБОРА

Зулматга мойилпроқ кўрятпман кўзни,
Мой йўқ, шиша хира, пасаяр пилик.
Ёлчимаганидек белбоқقا бўзчи,
зор бўлганим – одамгарчилик.
Ҳар кун бир ҳис учар вужуддан, дилдан,
Ҳар тун бир туйфунинг ўчар қораси.
Тобора юракнинг тириклик бирлан
очиқ бўлаётир ораси.

ЛЕКИН

Юртим шудир, йўқ бошқа орзу,
маталингиз қилолмас мулзам:
Ҳар ерда-ку бордир тарозу,
бордир ахир тарозибон ҳам!

АНГЛАМ

Бошдан булат арир, кетгай хатарлар,
ҳар не камимизни Тангри бут қилгай.
Ким ноумид бўлса, шайтон атарлар,
Урғочи шайтондир ноумид қилган.

ҲАРАКАТ

Қаршилик. Қамоқ. Қийноқ. Қасос. Қин. Қилтич. Қалқон. Қуюлади қон қайноқ. Қаттол, қаттиқ, қатағон. Ўлар. Ўкирар. Ўйлар. Ўпирлар. Ўртанаар. Ўнгланар. Ўқир. Ўйнаар. Ўсар. Ўтар. Ўрганар. Қувонч қаҳат. Қотади. Қора қисмат. Қайғу. Қон. Қадим қудрат қайтади қачон, қачон, қачон? Олиш. Отиш. Ободлик. Оғир ожиз оламга. Омонлигу озодлик омонатдир одамга. Нотиқлар номард, нокас. Нечун нолиш, насиҳат? Нажот – норози нафас. Нафрат – насиба, неъмат.

ТУШУНЧА

Боринг бермоқ – закот, яни қарз,
Қочмоқ аҳли дунёдан-ҳижрат.
Туни бирла йифламоқлик – фарз,
Сўнг кун бўйи хўрсинмоқ – суннат.

БАЛОҒАТ

Ўгайга ўхшайман она Ватанда.
Тун. Бўрон. Таҳлика....
Яшащдан бездим.
Бор овоз-ла куйлаш тақиқланганда,
овошим очилиб кетганин сездим.

КЕЧ КУЗАК

(хотира)

Оғир кечар қишлоқда
Кўсак чувийдиган вақт.
Тунда ухлаш қаёқда,
Пахта топиб бериш шарт.
Ўтомочлар чинқириб,
аравалар тарақлар.
Иссиқ уйда базм қуриб,
каттаконлар валақлар.
Буям кўпга келган тўй,
биров хурсанд, биров хит.
Ялингандек уйма-уй
кезар ҳисобчи йигит.
У тонггача қунишар,
ҳеч келолмас ўзига.
Қаролмай янги тушган
келинчаклар кўзига.

БОҒ

Кўзим тиниб кетди, сирқирап кўксим,
барпо этолмаган боғингга қараб.

Уми ёшлигимнинг, қалбимнинг акси?

Асабий фўлдирап
сени қувиб етолмаган сойлар.

Фазабли гулдирап
сенга эргашиб кетолмаган тоғлар.

Боғинг сари бордим кўройдинда,
гуркираб ўсаиди бегона ўтлар,
юлдим, аламларни юлгандай қалбдан.
Дўстинг йўқ экан-а, қадрдоним,
Ининг йўқмикан-а, оғам,
Элинг йўқмиди-я, жигарим?

Қоғоз қораладим қоронгулиқда:
"Мен кимман, армондан бўлак
ҳеч вақоси йўқ ёш шоир.
Соқовга ўхшашар оғаларим,
Халқим деб юрган бу эркакларда
борми ахир ҳис?!"

Сўнг ухлабман шундоқ сайҳонда,
жунжикиб уйғондим саҳарда ногоҳ,
қоғозларимни ҳўл қипти шудринг.
Тунда тимирскилаб ёзган сўзларимга
кириб кетган экан беихтиёр
шумфияга ўхшаган ҳарфлар:

"Мен кимман, армондан бўлак
ҳеч вақоси йўқ тош шоир.
Соф овга ўхашашар оғарларим,
Ҳалқум деб юрган бу эрмакларда
бор ахир ҳирс?"

Майдалаб ташладим қофозни.
Асобий ғўлдирарди
сени қувиб етолмаган сойлар.
Ғазабли гулдирарди
сенга эргашиб кетолмаган тоғлар.

МИННАТДОРЛИК

Ўв, кимларни йифдинг ёнингга,
Жирканчдир сен тузган машварат.
Тушмаганим боис ёдингга,
Ёт билганинг учун минг раҳмат.

ШОИРНИНГ ОНАСИ

Шавкат Раҳмон кетганига боғлар кўнди,
Қафасдаги булбул, эркин зоғлар кўнди.
Онаси чин Офтоб экан.
Йил ўтмайин –
куйди, сўнди.
Сал кўнгандай бўлди кейин.

КЎКЛАМ СОФИНЧИ

Чимдиб тортар қулоқни, игна санчар из-
фириин. Туман. Кўрмай узоқни, ҳамма турттар
бир-бирин.

Оғиз очирмас довул, оёқларим тояди. Э
воҳ, кўкламга довур совуқ жонни ўяди.

Юрт бир кун қишидан безгай – ям-яшил түғ
кўтараар: ҳазон босган, қор эзган боғларимиз
кўкаар!

КУЗДА КУЛГАН ЧЕЧАК

МЕХР

Ҳурдай хоним, хаёлида ҳам
гуноҳ қилиб кўрмаган хоним;
гоҳ ёвқур, гоҳ ҳақир кўрган дам,
ҳуркиб ҳолим сўрмаган хоним;
аёзлардан увшган қўлни
астагина ушлаган хоним;
бевақт қариб-қартайган дилни
фақат тушда хушлаган хоним;
жинни-санғи шеърлар ўқисам,
бош эгиб, жим тинглаган хоним;
дилимдагин кўзим айтса ҳам,
билатуриб "билмаган" хоним;
ечилмайди бу сирли тугун,
қўрқитмоқдан қўрқаман сизни.
Мен жудаям истарман, бир кун
ўлсам, сиз ҳам ўлишингизни.

ҚИЗФАНИШ

Оқ билакли гулойим,
Пок тилакли гулойим.
Эркин менинг пинжимда,
Оҳ, юракли гулойим.

Келсанг, кундай куларкан,
Кетсанг, гулдай сўларкан.
Ойдай тўлишган жувон
Қиздан ширин бўларкан.

Сен билан бутун бўламан,
Не бўлсам, бу тун бўламан.
Сизникиман, деб қўйсанг,
Осмонга устун бўламан.

Сен борсанки, кўнглим тўқ,
Меникисан, тасаддуқ.
Олар ҳаммани, аммо
Худога ҳам бергим йўқ.

ИЗҲОР

Ўйласам бас сизни, завққа тўламан,
Кифтдан қанот чиқаргандек бўламан.
Томоғимни бир сўз ўйнар қитиқлаб,
"Севиб қолдим" деб айтмасам, ўламан.

Қўйганимда тиззангизга бошимни,
У нутаман наслу дину ёшимни.
Гулдек узиб, пойингизга қўяйми,
Бошгинамни – Худойимнинг тошини.

Софинаман кундуз, тунлар суюман,
Кўзингизни юмсангиз ҳам қуяман.
Мингга кирай, бирга кирай, сизни мен
Ўлсам, тирилсам, сўнг кўрсам тўяман.

СОФИНИШ

Йил беҳад тез ўтар, кун эса секин,
Нуқул ортга қараб тортар қадамим.
Кундуз яшаш осон дўстсиз ҳам, лекин
Уйғониб, топмайман яқин ҳамдамим,
Йил беҳад тез ўтар, кун эса секин.

Қолдингми етимдай айрилиб мендан,
Тўхтамас менинг ҳам қалбдаги ёшим.
Тургандай бўлурсан шундоқ кўксимда,
Тунлар раҳмим келиб силайман бошинг,
Қолдингми етимдай айрилиб мендан?

Сен балки хор бўлдинг, мен тамом бўлдим,
Ўртанурман хабар эшифтмай туриб.
Софинганинг ўйлаб келмайди ўлгим,
Кетмасайди бир кун қарфишинг уриб,
Сен балки хор бўлдинг, мен тамом бўлдим.

ЖЎНАТИЛМАЙДИГАН ХАТ

Нечун сени кўрсам, ғамларим кетар,
кўзлари фуссага тўлган гулоим?

Ғам недир, ортиғу камларим кетар,
бор-йўғим зер-забар қилган гулоим?

Султон бўлолмасман уйингда сенинг,
Сен ҳам бўлолмассан ғамхўр, дастёrim.
Наҳот яралгансан шўримга менинг,
Ҳамишу беморим, ҳамиша зорим?

Ҳали ер остига эмасмиз лойиқ,
Фаришта эмасмиз кўкка чиқарга.
Ажабки, ҳакамдир бизга халойиқ,
Куч йўқдир тоғнимас, сўзни йиқарга.

Ҳаргиз боролмасман сен томон босиб,
Сен ҳам чиқолмассан остона хатлаб.
Мен ўқиб йиглайман ўзим хат ёзиб,
Сенга етиб бормас мен битган хатлар.

ИЛТИЖО

Уҳ десам, киприги, кўзи намиққан,
Кетсам, кўзларида ёшлари жиққа,
Мен яшнаган сайин ранги синиққан –
Севарим, соғ ўл.

Бошимни эгмаган менга бош эгиб,
Пуч уруғ-ла қолган сара дон экиб,
Рўшнолик кўрмаган ошнога тегиб –
Севарим, соғ ўл.

Ўзинг билган, балки билмагайдирсан,
Изн этмасам ҳатто кулмагайдирсан.
Демак, мен айтмасам ўлмагайдирсан –
Севарим, соғ ўл...

ЁДИМДАДИР

Қишини етаклаган куз ёдимдадир,
Оёғимдан чалган муз ёдимдадир.
Биламан қай ердан келаётганим,
Қордан аввал тушган из ёдимдадир.
Қўмак сўраётган гунглек куйиндим,
Мени ташлаб кетган қиз ёдимдадир.
Бир туким сесканмас ўқрайганингдан,
Куч берар – киртайган кўз ёдимдадир.
Сарғайган эмас, чанг босган саҳфада,
Дилимга чўғ солган сўз ёдимдадир.
Сўкмасман биронни, сўктирмасман ҳам,
Берганиммас, тотган туз ёдимдадир.

ТУШУНИНГ...

Тўғри, тўғри. Эътиrozim йўқ:
Сичқон фирт овсар-да –
сиғмайди-ю инига,
ғалвир боғлар думига.

Тушундим:
дахли бор бу гапнинг менга.
Аммо сизга англатай қандоқ –
Ў, на қадар сулувдир ғалвир,
уни судра-аб юриш –
нақадар завқли.

* * *

Билмайман, не ердан изларим сени,
излаган, топганда не ҳам қиласдим.
Бир армон ўртайди тунлари мени,
йиғлаб жанозамга келсанг, ўлардим.

Эсласам, яқиндай туюлар само,
ёдинг борлиғимни ёғдуга белар.
Истамасман баҳтсиз бўларинг, аммо
баҳтли деб ўйласам, сўкингим келар.

ҲУРРИЯТ

Потраб талпинганим – феруза осмон,
бас қил, қора ўтмиш, ҳасратларингни.
Энди ҳеч кимга бош эгмасман, инон,
Сўзи сўздир Кўнгил Ҳазратларининг.

ОРТИҚ

Йўқ нур чашмаси ул нигоҳдан ортиқ,
Таниб, жилмайганинг никоҳдан ортиқ.
Фақат сенга очгим келур қалбимни,
Гарчи сирдош ўлмас илоҳдан ортиқ.
Тиз чўксам қошингда, паст кетганимми,
Юксалмак йўли йўқ шу чоҳдан ортиқ.
Шартта юлиб берай, қон юрагим ол,
Савоб йўққа ўхшар гуноҳдан ортиқ.
Севаман, деб қасам ичганда аёл,
Бир эмас, икки эр гувоҳдан ортиқ.

ФАЗАЛ

Тангрим, ҳузурингда чўқадирман тиз,
Умматим дермисиз пайғамбарим, сиз?
Лойиқманми сизга эй азиз отам,
Сифдиарми мени сиз қолдирган из?
Ўхшамак истарми ўғилчам менга,
Суйиб онам дерман, қувнарми бу қиз?
Аланглаб боқурмиз атрофимизга:
ким эрдик, ким бўлдик, ким бўлурмиз биз?
Кўнгил пошшо бу дам, мен унга мирзо,
Севмақ, севмак эрур фармонларимиз.

КЕЛИБ

Ҳушёр бўл, дерлар-а маstonага келиб,
Амри маъруф қилар девонага келиб,
Боисин излама жим юрмагимнинг,
Ким диндан ваъз ўқир майхонага келиб?
Халқ ошиқ дунёга, фийбатчи дерлар,
Сал сўксанг оловни парвонага келиб.
Нечун эски айблар тушар ёдимга,
Йигичи тургандай тўйхонага келиб.
Жон келур оғзимга, қандоқ ширин ул,
Меҳмон изн кутар остонаяга келиб.
Ўйнадим ҳар ерда, қиёматгача
жилмайиб ётайин Фарғонага келиб.

КУЗДА КУЛГАН ЧЕЧАК

Кун кўрмай куним кўрдим:
Тез кеч кирди, тонгдан дил хуфтон.
Ўсиб қарияпман,
Енгилиш – енгил иш.
Ҳар тун ҳаёт марҳум,
Доим тирик ўлим:
ҳаёт менга дўстмас, ҳа, ёт.
Қалам тутқазар алам,
Муздай ҳовур пуркар саратон.
Оллоҳ, паноҳингга ол-л, оҳ.
Номингдан ёришди ёдим,
Энди гуллар қишида ҳам гуллар.
Ўлиб-тирилмасман сира,
Ўлиб, тириладиган дунёга.
Яраш йўқ, курашга яраш бор.

ЛАЙЛАТУЛҚАДРДАН КЕЙИНГИ КУНЛАР

ЭҲТИМОЛ

"Замон сенга боқмаса,
сен замонга боқ".
Бу гапни айтган-ов
замоннинг ўзи.

УНУТМА

Меҳмонсан беш кунлик дунёда,
Уч кунгина иззатинг.
Мезбон измидасан
шу уч кунда ҳам.

НАСЛИГА ТОРТАДИ

Бу кўргилик ўйлаб қўргулик:
Уриб-суриб, ҳуриб юриб
юксалди-ку пасткашлар.
Майдалашиб ўтар энди
бу "катталар" умрбод.

ТАЖРИБА

Зарблардан
этимиз қотди.
Гаплардан
бетимиз қотди:
Қотирамиз энди биз ҳам.

МАҚОЛГА ШАРХ

"Узоқнинг буғдойидан
яқиннинг сомони яхши".
Агар буғдой эмас,
сомон ейдиган бўлсанг.

КОСА ТАГИДА НИМКОСА

Кеча – кундуз, оқ – қора,
иссиқ – совуқ, ёз – қиши,
яхши – ёмон, тўй – аза,
савол – жавоб, савоб – гуноҳ,
ҳалол – ҳаром, рост – ёлғон...
эр – хотин.

КҮРГА ҲАССА

Солмаганман оғзимга талқон,
қўрқаман одамдан қўрқишишга.
Хафа қилма – бепарво кулма,
Синдириб ташласанг-да,
Мендан ўпкала –
Мен – ойнаман,
сенинг башаранг қийшиқ.

ЧАЛА

Улкан давлат – у туғилган юрт,
истар халқ яратмоқни.
Одамларда юз йўқ, кўз йўқ,
тил йўқ, қулоқ бор.
Камтарман, деб мақтанаар,
Элимни севаман, дейди ўқрайиб.
Дуолари ўхшар буйруққа,
Оллоҳ осмондаги соям деб ўйлар.

БАҲОНАДА

Қор ёққани яхши – излар босилар,
Маъқул шамол келгани –
қувилади дарду гард.
Ёмғир ювар ғуборни.
Ҳаммасидан ёв қочгани зўр –
болалайди ботирлар.

ТАШҲИС

Рост кўринди оздек –
қўшиб гапирди, ёзди.
Кўпиртириди: Зиёли
"Зиёнли"га айланди.

Тузум, русум кетди, у қолди,
Бу хизмат унга қисмат.
Туғилган – ёлғонга дуч келган:
Лақаби "эр" эди отасининг,
Уни "ўғли бола" дейишган.

МУЛОЙИМ ХУНУК

Шуям имзо эмиш –
бир эринчоқнинг
мудраб қофоз тирнагани-ку.

Сиртидан ўтма синалмаган отнинг:
уйғонмайдиган қилиб ухлатар,
уйқусин ўчирап қанча одамнинг
ажи-бужи мана шу ёзув.

ЮМШОҚ ҚОР

Гарчи энг оқ кўнгилдан оқроқ,
гарчи оёқ остида ётар,
У осмондан тушмаган бежиз:
Эзсанг, сендан ижирғаниб
ғисирлатар тишларин.

ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Ўзинг йиқиласан бирорга чоҳ қазсанг,
Машааллоҳ, зўр иш бўларди!
Худо ҳаққи, кўл урганим йўқ
йўлимдаги пистирмаларга.
Ўзинг қулайсан – ўзингга атаб –
бирорга чоҳ кавлатсанг.

БОТИР

Тили узун, оғзи полвон,
гарчи пайдо бўлди кечроқ:
сал кечикди – ёв қочди.

Дадил-дадил сўзлаётир,
Фақат... кетган душманнинг
қайтиш эҳтимолин назарда тутиб.

БУЛАРНИ ҚЎЙ...

Билса билар, чалса чалар оёқдан,
 Айт ўзинг: ташвишин чекайин ненинг?
 Ҳар сўзу ишимга милён гувоҳ-ла
 Нақ Оллоҳнинг Ўзи кутяпти мени.

ҚИРҚИНЧИ БАҲОР

Валлоҳ, етди менинг ҳам галим,
 Шарт гувраниб ўрнимдан турдим:
 Кетмай туриб қарғалар ҳали,
 Қалдирғочлар келганин кўрдим!

САЛОМГА АЛИК

Тураверар кериб кўкрагин,
 Аъзам Ўкташ ўлар-эгилса.
 Чип-э, бўлсанг кимнинг кўппаги,
 Пишт-э, кимнинг мушуги бўлсанг!

БИЛИБ ҚҮЙ...

Шодман, менга қараб масрурдир болам,
Эй гўзал дунё, сен билиб қўй лекин –
Шу қизнинг камолин кўрмайин ўлсам,
қайтиб қарамайман бетингга сенинг!

МУОЛАЖА

Табибим, пуч сиз берган дарак,
Хасталанай нечун шу ёшдан?
Севганимдан санчар бу юрак,
қон босиммас, ғайратим ошган.

Ўлим деманг, ўлим ўлсин!
Ўйнаб-кулиб юзга тўламан.
Э-йўқ, бу кам.
Не бўлса-бўлсин –
Мен дунёга устун бўламан!

ТАВАККАЛ

Ҳар гал йўллайсиз салом:
"У кўзига қарасин.
Юқса, ўнгланмас тамом,
Қозонларнинг қораси".

Югурмасам, елмасам,
Мушкулим бўлмас осон.
Ўзим яқин келмасам,
Қайнамаяпти қозон.

Ўзидан қазо, қадар,
Не бўлса, шу – пешона.
Асрамай қўйса агар,
Бу дунё – қозонхона.

ЧУМЧУҚ

Номинг айтиб бўлмас оғиз тўлдириб,
Қувнамас қараб кўз ҳам.
Халқ ҳам менсимайди:
"Чумчуқдан қўрқкан
тариқ экмайди", деб киноя қилар.

Мен ҳам хушламайман,
ҳайдайман доим –
не-не манман деган зотларнинг
юрагин ёрганинг учун "пирр" этиб.

ВАҲИМАЧИ

Бас қил, энди келмакда малол,
Чекаверма бунчалар оҳ-зор.
Учирмасдан туюни шамол,
Эчки, сенга осмонда не бор?!

ҲАДИКЧИГА

Қийнадингиз ўзни, ҳам ўзгаларни,
гарчанд асранингиз лозим танингиз.
Чўп деб қуритгунча навниҳолларни,
маъқул эмасмикан кийинганингиз?!

КЕЛИНСАЛОМ

Бу ҳовлида товуқ, хўрор бор,
ит бор, мушук бор:
билар, қилар бари ўз ишин.
Ўзларига энди бекалик –
хуллас,
қичқирмасинлар,
бобилламасинлар,
сайрамасинлар...

ФАШЛИК

Энди гуллар рангиз,
ойналар хира.
Билмайсан ким келиб, ким кетар.
Юзлар тунд,
ҳаво оғир, бузилган.
Билганича эзар тарқагунича
подадан олдин кўтаришган чанг.

ЎТИНЧ

Мушт – дуога очилган қўлим,
Шердай турдим ўрнимдан сапчиб:
Тангрим, берма сен ёвга ўлим,
ўзим чиқай хумордан янчиб.

МЕҲМОНДЎСТЛИК

Қадамларига ҳасанот, келинг!
Уй бир оз тор, кўнгил кенг бироқ.
Уч кун билманг иззатингизни,
Қирқ кун салом шарт эмас,
ёпсангиз бас эшикни секин.
Фақат – эҳтиёт шарт –
кўрсатмайман ҳеч
Тузлиғимни бирон меҳмонга.

ЭВРИЛИШ

Жанг бўлди,
номардлар ҳоли танг бўлди,
Остин-устин барчаси.
Ямламай ютишяпти ютқизганлар,
Дамин ичга ютди ютганлар.

МУРОСА

(Қатағон даврига чизги)

Аниқ – у зўрники,
томушаси кўрники.
Тил – айбдор, қулоқ – гувоҳ,
Қози – ўзи, рози – ўзи.
Озор бермай тош кўнглига
"Замон нозик" деб кўйишар
юмшоққина одамлар.

АКСТАЪСИР

Кун бўйи яйрадим, юрдим қувониб,
Ниҳоят кун тегди елкамизга ҳам.
Тунда ўлай дедим юрагим ёниб,
Офтоб урган экан табибга борсам.

ЧОРБОФ

Покланмоққа сув элтар ариқ,
Қалдирғочлар туширап такбир.
Саждадан бош күттармас полиз,
Тандир – ювош дуогүй кампир.
Тераклар саф тортган йигитлар,
Маккажүхорилар бир майдон аёл –
Йўргакланган бола қучоқлаб,
Шукр намозига сафланган.

ПЕШОНА

Бир-бирига қайишмас ҳеч ким,
Онглаганимкун – кундан баттар.
Ёниб кетар жим турсам ичим,
Мен дудуқман, ҳамсуҳбатим кар.

НИЗОМИДДИННИ УЙФОТИШ

Ишонтирдинг сен ўзимга ўзимни,
Йигитсан, мен гувоҳ, болам, алла.
Фаришталар ювиб қўяр юзингни,
Чўриси ҳам бегуноҳ болам, алла.
Инсон зоти англомагай сўзингни,
Ҳамсуҳбати Оллоҳ болам, алла.

ИШОНЧ

Осмон беҳад яқин, Ер эса юмпоқ,
Ёшлик қайтиб кетмас, у мангу қолар.
Бўзчиман – боғлайман ҳар кун бир белбоғ,
Сафарим қаримас, яшариб турар.

МУНДАРИЖА

КЎКЛАМ СОФИНЧИ

Аzon	3
Мужда	4
Кўрганим	4
Ўйин	5
Тўмарис билан суҳбат	6
Рамазон	7
Боболарим	8
Зиёрат	8
"Эй ота юртимдан..."	9
Хизмат	9
Табрик	10
Ихтиро	10
Таъна	11
Луқма	11
Таҳлил	12
Таажжуб	12
Тилим	12
Айлана	13
Тобора	14
Лекин	14
Англам	14
Ҳаракат	15
Тушунча	15
Балофат	15
Кеч кузак	16
Боғ	17

Миннатдорлик	18
Шоирнингонаси	19
Кўклам соғинчи	19
КУЗДА КУЛГАН ЧЕЧАК	
Мехр	20
Қизғаниш	21
Изҳор	22
Софиниш	23
Жўнатилмайдиган хат	24
Илтиқо	25
Ёдимдадир	25
Гушунинг...	26
'Билмайман, не ердан...'	26
Хуррият	27
Ортиқ	27
Фазал	28
Келиб	28
Кузда кулган чечак	29
ЛАЙЛАТУЛҚАДРДАН КЕЙИНГИ КУНЛАР	
Эҳтимол	30
Унутма	30
Наслига тортади	30
Тажриба	31
Мақолга шарҳ	31
Коса тагида нимкоса	31
Кўрга ҳасса	32
Чала	32
Баҳонада	33
Ташҳис	33

Мулойим хунук	34
Юмшоқ қор	34
Ўзингга эҳтиёт бўл..	35
Ботир	35
Буларни қўй	36
Қирқинчи баҳор	36
Саломга алик	36
Билиб қўй...	37
Муолажа	37
Таваккал	38
Чумчуқ	39
Ваҳимачи	39
Ҳадикчига	40
Келинсалом	40
Ғашлик	40
Ўтинч	41
Меҳмондўстлик	41
Эврилиш	41
Муроса	42
Акстаъсир	42
Чорбоғ	43
Пешона	43
Низомиддинни уйғотиш	44
Ишонч	44

Адабий-бадиий нашр

Аззам Ўқтам

**ҚИРҚИНЧИ БАҲОР
Шеърлар**

Муҳаррир

Нормурод Нарзуллаев

Мусаҳҳиҳа

Машкура Абдумўмин ҳожи қизи

Ношир

Тўлқин Нурмуҳаммад

Техник муҳаррир

Елена Нафикова

ИБ № 3389

Босишга 13.07.1999 йилда руҳсат этилди. Бичими 35x42 1/16. Ялтироқ силлиқ қофоз. Жами 2000 нусха. Буюртма № 21а.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Ёшлари "Камолот" жамғармаси
"Қатортол-Камолот" ишлаб чиқариш-нашриёт
корхонаси. 7000113, Тошкент, Чилонзор, 8-мавзе,
Қатортол кўчаси, 60.

"OFFSET-PRINT" босмахонаси.
Тошкент, Қирққиз кўчаси, 10-уй.